

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАШАРИПОВ ОЙБЕК АБДУРАХИМОВИЧ

ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМ МЕЪМОРЧИЛИГИ
АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(Қуйи Амударё минтақаси мисолида)

18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш

Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2020

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on architecture**

Машарипов Ойбек Абдурахимович

Ўрта асрларда Хоразм меъморчилиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари (Қуйи Амударё минтақаси мисолида).....3

Машарипов Ойбек Абдурахимович

Особенности архитектурных традиций Хорезма в средние века (на примере низовьев Амударьи).....19

Masharipov Oybek Abduraximovich

Architecture of Khorezm traditions of middle ages (in the lower rivers of Amudarya)34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works37

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАШАРИПОВ ОЙБЕК АБДУРАХИМОВИЧ

ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМ МЕЪМОРЧИЛИГИ
АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(Қуйи Амударё минтақаси мисолида)

18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш

Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/A25-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([http://www.taqi.uz/interaktiv – xizmatlar / taqi – ilmiy – faoliyati / ixtisoslashgan – kengashlar / avtoref /.html](http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz.](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нозилов Додо Авазович
архитектура фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уралов Ахтам Синдарович
архитектура фанлари доктори, профессор

Хожаниязов Гайратдин
тарих фанлари номзоди, профессор,
“Ўзбекистон қаҳрамони”

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлаттехника университети
“Саноат дизайни” кафедраси

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»__соат__даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 235-43-30; факс: +99871 234-15-11; web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.)

Диссертация автореферати 2020 йил «__»__куни тарқатилди.
(2020 йил «__»__даги __ рақамли реестр баённомаси).

Т.Ш.Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси в.в.б., арх.ф.д.

О.М. Салимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., арх.ф.д., профессор

Т.А.Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга оид самарадор йўналиш бўйича ЮНЕСКО ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудидаги Бутунжаҳон моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган 1007 та объектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар эканлиги диққатга сазовордир¹. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир – Бутун жаҳон маданий ва табиий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972); Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987); Обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996); Таҳлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003) каби халқаро ҳужжатларнинг мунтазам равишда қабул қилиниши бу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда тарихий ёдгорликларни сақлаш, тарихий ва замонавий биноларни бир-бири билан уйғунлаштириш, ёдгорликларнинг муҳофаза ҳудудини аниқлаш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, муҳандислик тармоқлари инфраструктурасини такомиллаштириш ва бошқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий изланишларда ўрта асрларга оид ёдгорликларнинг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнларини тадқиқ этиш, ёдгорликларнинг тархий-режавий структурасига аниқликлар киритиш ва уларнинг замонавий архитектура ривожига таъсирини очиқ бериш, тарихий ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш, маданий мерослардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунда республикада мавжуд 7476 ёдгорликлардан 2079 таси меъморий ёдгорликлар, 4308 таси археологик ёдгорликлар, 1089 таси монументал ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар бўлиб, уларнинг барчаси давлат муҳофазасига олинган. Истиқлол йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент ва Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан кўпчилик меъморий ёдгорликлар таъмирланди, уларнинг атрофлари ободонлаштирилди. “Маданий мерос объектлари ҳалқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиздир². Бу борада Орол бўйи ва қуйи Амударё минтақаларида туризмни ривожлантириш ва сайёҳлик оқимини кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳозирда ушбу

¹ Список всемирного наследие ЮНЕСКО <http://wbe.unesco.org/en/list>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан маърузаси. “Халқ сўзи”. – 2017. – 13 июнь. №137 (6831).

минтакаларда ўрта асрларга оид 300 дан ортиқ археологик объектларнинг да “археологик кўриқхона” ёки “очиқ осмон остидаги музейлар” деб эътироф қилиниши натижасида мудофаа меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сонли “Моддий-маданий ва археология меросини объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сонли “Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2014 йил 21 июлдаги ПҚ-200-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш тўғрисидаги”ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731 сонли “2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Орол бўйи минтақасида меъморий-маданий меросларни ва уларнинг бадиий қийматларини аниқлашга қаратилган дастлабки илмий тадқиқот ишларини европа ва осийлик олимлар, жумладан сайёҳлардан Ҳ.Вамбери, Ф.И.Базинер, Ибн Фадлан, Ибн-Баттута (1304-77) томонидан олиб борилган³. Кейинчалик М.Алиханов-Аварский⁴, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, В.Бартольд⁵, Г.А.Пугаченковалар эътиборини жалб этиб келган. Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм қуёи Амударё минтақаси меъморий ёдгорликларни тадқиқ қилишнинг биринчи (1936-1939) ва иккинчи (1941-1964) босқичларини С.П.Толстов ва Е.Е.Неразик⁶ раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси гуруҳи томонидан Катта Гулдурсун, Пил қалъа, Хазорасп, Қалъажик, Хива ва бошқа шаҳарларда олиб борилган. 1952 йилдан то ҳозирги кунгача Миздахқон, Девкесган, Чилпиқ, Тупроққалъа, Ичан Қалъада илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва рисолалар чоп қилинган.

Я.Ғуломов, И.И.Ноткин, В.А.Булатова, Е.Е.Неразик, В.Бартольд, М.С.Булатовлар обидаларнинг тиклаш услуби, меъморий тузилиши ва амалий санъатини, Г.А.Пугаченкова ва Л.Ю.Маньковская⁷ эса Хива

³ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мавороуннаҳр тарихи. – Т.: 1991.

⁴ Алиханов-Аварский М. Поход в Хиву (Кавказских отрядов) 1873 г. Степь и оазис. СПб. 1899.

⁵ Бартольд В.В. Соч., все тома. – Т.: 1969., с 89.

⁶ Толстов С.П., Неразик Е.Е., Полевые исследования Хорезмской экспедиции. – М., 1963.

⁷ Гулямов Я. Памятники города Хивы. – Т.: 1941.

Булатова В.А. Хиванинг архитектура ёдгорликлари. – Т.: Ўздавнашр, 1963.

Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Выдающийся памятник архитектуры Узбекистана. – Т.: 1958.

Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. – Т.: 1961.

Маньковская Л.Ю. Хива. Альбом. – Т.: Гафур Гулям, 1982.

меъморий обидаларининг типологик хусусиятлари тўғрисидаги муҳим масалаларни ўрганишга оид олиб борган тадқиқотлари ва изланишлари беқиёсдир. Меъморий ёдгорликларни қурилиш материалларини ва конструктив тузилишини ўрганишга доир илмий тадқиқот ишлари Э.М.Гендель, А.А.Асанов, В.Л.Воронина, Н.С.Гражданкина, А.В.Ополовников, Қ.С.Абдурашидов, А.А.Тўлаганов, Н.А.Самигов, Э.Қ.Қасимов, К.И.Штарк, В.А.Лавров ва З.Шодмонова каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шунингдек Ш.Ж.Асқаров, М.Қ.Аҳмедов, Н.Б.Бакланов, Х.Х.Камилов, Л.Ю.Маньковская, Д.А.Нозилов, Ю.Писарчук, Х.Ш.Пўлатов, О.М.Салимов, С.Страмцова, А.С.Уралов, Ш.Низамов, М.А.Юсупова, Г.С.Дурдиева, Т.Ш.Маматмусаев, Ш.С.Рейимбаев, С.А.Машарипова, Ж.К.Шнекеев ва бошқа муаллифлар томонидан тарихий шаҳарлар, улардаги ансамбл ва меъморий мажмуаларнинг пайдо бўлиши, обидаларнинг композициясига оид тадқиқотлар олиб борилган. И.Жабборов, А.Абдурасуловлар асосан Хива меъморий обидаларининг тарихини (XVIII-XIX асрлар) ўрганишга доир илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Қадимги Хоразм меъморий ёдгорликларни ўрганишнинг учинчи босқичида В.Н.Ягодин, М.Ш.Қидирниязов, М.Мамбетуллаев, Ғ.Ходжаниязов Алисон Беттс, Микел Минарди, Хелмс, Снеддок, Колин сингари олимлар изланишлар олиб борган⁸.

Аммо Орол бўйи Устюрт меъморий ёдгорликларининг карвон-йўллари негизида вужудга келган мудофаа объектлари, карвон саройлар, қалъалар, ов иншоотлари меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги комплекс тарзда етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2011-2016) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразмнинг қуйи Амударё Орол бўйи минтақасида ўрта асрларга оид карвон-йўллари негизида барпо қилинган мудофаа ва жамоат биноларининг меъморчилик анъаналари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва типларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрта асрларга оид Хоразмнинг қуйи Амударё минтақасининг гидрографик шароитини ўрганиш;

Маньковская Л.Ю. Булатова В.А. Памятники зодчества Хорезма. – Т.: Гафур Гулям, 1978.

Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: 1991.

Зоҳидов П. Хива. Очик осмон остидаги музей. – Т.: 1997.

Жабборов И. Кўхна харобалар сири. – Т.: Ўқитувчи, 1968.

Абдурасулов А. Хива. – Т.: 1996.

Аҳмедов М.Қ. Ўзбекистон ўрта асрлар меъморий ансамбллари таракқиётининг тарихий назарий асослари.

Меъморчилик док. дис. – Т.: ТАҚИ, 1996.

Хўжаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Т.: 2007.

⁸ Ягодин В.Н, Ғ.Ходжаниязов, М.Мамбетуллаев, М.Ш.Қидирниязов, О.Доспанов (Қарақалпақстан), С.Жаксон (Франция), А.Беттс (Австралия), Археология Приаралье. - I, II, III, IV, V, VI, VII томах.

минтақанинг куруқлик ва сув орқали савдо-карвон йўллари негизда вужудга келган йўл бўйи мудрофаа ва жамоат объектлар меъморчилиги ривожланиш босқичлари ва типларини комплекс тарзда аниқлаш;

кадим ва ўрта асрларда карвон йўлларига тегишли ёдгорликларнинг гидрографик ўзгаришлар, табиий ҳодисалар таъсирида меъморий ёдгорликлар фаолияти, бунёд этилиш сабабларини ўрганиш;

Устюртнинг ов иншоотлари(аранлар)ни меъморчилик жиҳатдан ўрганиш, уларнинг савдо карвон йўлларига тааллуқлилиги аниқлаш;

йўл бўйи иншоотларининг меъморий тарҳий тузилиши, тарзининг ўзига хос анъаналари, ёдгорликлар генезиси юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ўрта арларда Хоразмнинг Орол бўйи минтақаси қуйи Амударё ва Устюрт платоси карвон йўллари негизда бунёд қилинган йўл инфратузилмаси объектлари, мудрофаа ва жамоат бинолари, маёқ миноралар, гидротехник иншоотлар, ов иншоотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ўрта асрларда Хоразм мудрофаа меъморчилик анъаналарининг ҳудудий ўзига хосликлари, карвон йўллари объектларининг ҳажмий-фазовий, тарҳий-режавий ва типологик тузилишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, адабий манбалар, археологик, қиёсий, архив материаллари, кузатув, меъморий обидаларни бевосита жойида ўрганиш, ўлчов чизмалари, маҳаллий фольклор ва этнографик материаллардан каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрта асрларда Хоразмнинг қуйи Амударё минтақасида минора-маёқлар ва қалъа гарнизонлари уч турдаги, ов иншоотлари тўрт турдаги ҳамда карвонсаройлар бир турдаги меъморий типологияда бунёд этилган аниқланган;

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида кўрғонлар ташқи кўриниши композиция жиҳатидан кўпроқ бадиийлаштирилган бўлса, Хоразм минтақасида улар кўпроқ мудрофаа элементларини ўзида мужассамлаштирганлиги аниқланган;

Устюртнинг шарқий чинқи бўйлаб жойлашган 24 та мудрофаа ва маёқ миноралари Хоразмдан шимолга борувчи савдо ва карвон йўллари учун йўл белгиси ҳамда мудрофаа иншооти сифатида хизмат қилганлиги ва уларнинг иккита хронологик даврда, яъни IX ва XIV асрларда фаолият олиб борганлиги аниқланган;

Орол бўйи минтақасидаги Кат ва кейинчалик Кўҳна Урганчдан транзит орқали ўтган савдо карвон йўллари шимоли-шарқий, жануби-шарқий, шимол-жануб ва жануби-ғарбий каби асосий тўртта йўналишда шаклланиганлиги аниқланган;

Хоразмнинг қуйи Амударё минтақасида бунёд этилган 10 та минора-маёқлари, 5 та қалъа гарнизонлари, 1 та ов иншооти ва 5 та карвонсаройларни консервация қилиш, муҳофаза чегараларини аниқлаш бўйича график лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрта асрлардаги Хоразмнинг Орол бўйи қуйи Амударё минтақаси қарвон йўллари негизида бунёд қилинган йўл бўйи муҳофаа ва жамоат ёдгорликлари меъморчилик анъаналари илк бор очиқ берилган;

йўл бўйи объектлари тизимли, комплекс тарзда ўрганилиб, уларнинг бир-нечта типлари ва оралиқ масофалари ўрганилган;

қарвон-йўллари бўйича туризмни ривожлантириш учун таклиф этилган хариталардан унумли фойдаланиш имкониятлари яратилган;

Орол бўйи минтақасида жойлашган йўл бўйи объектларини консервация қилиш, уларнинг муҳофаза чегара зоналари бўйича график лойиҳавий таклифлар берилган;

Устюртнинг ов иншоотлари(аранлар)нинг аниқ симметрия қонуниятларида барпо қилинганлиги, уларни қуш парвозидан кузатиш орқали эътиборни жалб қилувчи шакллар асосида авиа туризмни йўлга қўйиш таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашувлар, усуллар, назарий ва амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги илмий семинарда муҳокама этилиб, ижобий баҳоланганлиги, жорий этилган натижаларининг республикадаги соҳага тегишли ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳадаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик, таъмирлаш ва қайта тиклаш каби фанларни ўқитишни такомиллаштиришда, Хоразм муҳофаа мактабининг Орол бўйи минтақасидаги меъморчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий монографиялар ва мақолалар, магистрлик диссертацияларини тайёрлашда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятида, йўл бўйи ёдгорликларини консервация қилиш, сақлаш ва қайта тиклашда, Орол бўйи минтақаси ва Устюрт платосида туризмни ривожлантиришда, шунингдек ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савиясини оширишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта асрларда Хоразм меъморчилиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари (қуйи Амударё минтақаси мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қарвон йўллари негизида барпо қилинган минораларнинг функциялари, уларни консервация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан ИЖ-5-18 рақамли “Жаҳонга машҳур Хива минораларининг барқарорлигини таъминлаш мезонларини такомиллаштириш” мавзусидаги (2018-2019 йй.) илмий грант лойиҳасининг

бажарилишида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 19 июлдаги 2/1255-2004-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Хоразмнинг Орол бўйи минтақаси муҳофаа ва маёқ иншоотлари архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш имконини берган;

Хоразмнинг ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудидаги ўрта асрларга оид ёдгорликларини ҳамда карвон йўллари муҳофаа ва жамоат объектларини консервация қилиш, муҳофаза чегараларини аниқлаш таклиф лойиҳалари бўйича яратилган график альбомдан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг 2019 йил 19 июлдаги 01-01/434-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши карвон йўллари бўйлаб жойлашган иншоотларнинг типологиясини аниқлаш ва уларнинг дастлабки кўринишларини қайта тиклаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (шундан 1 таси халқаро), 8 та илмий тезислар конференция материалларида (улардан 2 таси халқаро конференцияларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация матнининг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўрта асрларда Хоразмда қуйи Амударё гидрографик шароити ва карвон йўллариининг вужудга келиши”** деб номланган биринчи бобида Қуйи Амударё дельтасида сув йўналишлари, гидротехник иншоотлар меъморчилиги, савдо йўллариининг шаклланиши, Устюрт платоси омили, карвон йўлларидаги турли иншоотлар типлари ва меъморчилиги ўрганиб чиқилган. Ўрта Осиёда дарёлар йўналишининг ўзгариши қадимий маконларнинг ташландиқ ҳолга келишига сабаб бўлган. Сув узоқлашган сайин маконлар ҳам сув бор жойга кўчган. Амударё сувлари ҳам гоҳ Хоразм паст текислигининг шимолий қисмига (Орол денгизига), гоҳ ғарбий қисмига (Сариқамиш кўли орқали Каспий денгизига) гоҳо эса бир

вақтнинг ўзида ҳар иккаласига қуйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган⁹.

Инсон тараққиётининг дастлабки босқичида Орол денгизи ҳавзасига аҳолининг таъсири минимал бўлса, кейинчалик аҳолининг муҳитга таъсири кучайди. Ўрта асрда аҳоли турли гидротехник иншоотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Амударёнинг иккала томонида яшовчи хўжаликлар табиий офатдан сақланиш, сув ҳаракати кўчишининг олдини олишда мудофаа стратегиясини ўрганиб борган. Дарё йўналиши ва оқимини барқарор равишда ушлаб туриш мақсадида (баражлар, тўғонлар ва бошқа) гидротехник қурилишлар бунёд қилиш имкониятига эга бўлди. Минтақада вужудга келган сак, массагет халқлари, уларнинг ижтимоий шаклланиши билан боғлиқ омиллар, маҳаллий ёки кўчманчи халқларнинг Хоразмга бирикиши натижасида кўшни ва бошқа давлатлар билан савдо маданий алоқалар йўлга қўйила бошланган. Ўрта асрларга келиб ҳудудда карвон савдо йўлларида йўл бўйи объектлари шаклланган. Унда савдо йўлларининг шаклланиш хусусиятлари ёритилиб, қадимда Жайхун дарёси бўйлаб қадимги даврлардан оқ савдо йўллари ўтиб Ўрта Осиёни Шарқий Европа билан боғлаган.

Бу йўлларнинг вужудга келишининг илк шаклланиши Хоразмшоҳлар давлатининг кучайиши Оролли халқлар, сак, массагет, кўчманчи халқларнинг ривожланишига сабаб бўлганлиги ёритилган. Шунингдек, карвон йўлларнинг бир нечта йўналишлари шаклланганлиги аниқланди, улар:

1. Шимолий-шарқий йўналиш. Хоразмнинг қадимги пойтахти Катдан жанубий дехқончилик ривожланган вилоятлар, шунингдек то Орол денгизи жанубидаги Кердер қалъасига йўналган шаҳарларгача, яъни кенг яйловлардан иборат чорвачилик ҳудудларигача борган.

2. Жанубий-шарқий йўналиш. Қадимги Хоразм пойтахти Кат шаҳридан шимолга сув ва қуруқлик орқали йўналган бўлиб, у Қизилқум орқали Орол денгизининг шарқий ёқалари Қўрғонча қалъасигача бориб, кейинчалик Барактам ва яна то Тегискен археологик мажмуасигача етиб борган.

3. Жанубий-шимолий йўналиш. Уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги географик характердаги харитани тузиш ва йўналиш маршрутларини аниқлашга имкон беради. Ўрта асрларда воҳадан савдо карвон йўллари Хоразм пойтахти Гурганчга, Эрон ва Туркменистон заминидан Ўзбой канали орқали Устюртга келган карвон йўли билан туташishi ҳудуднинг географик тузилиши тақозо этган. Бунга яна бир асос Каспий денгизи шарқидан Эрон тоғ тизмаларининг шимолга қараб чўзилганлиги ҳамда қадим Ўзбой каналининг Сарикамиш кўли орқали узвий боғланиш масофаси 400 км га яқинлашганлигидир.

4. Жанубий-ғарбий йўналиш. Кўхна Урганчдан Устюрт платоси орқали Волга бўйлари ва Олтин ўрда давлатининг марказигача чўзилган. Бу йўналишда 30-40 км масофа оралиғида карвонсаройлар барпо қилинган.

⁹ Сорокина Р.А., Ягодин В.Н. Развитие гидрографической сети Приаральской дельты Амударьи в голоцене. //Колебания увлажненности Арало-Каспийского региона в голоцене. - М.: 1980.

Устюрт омили хақида сўз боришининг сабаби шулки, ушбу омиладим ва ўрта асрларда савдо карвон йўллари орқали турли цивилизацияларни бирлаштириб, кўплаб тарихий архитектура ёдгорликларининг вужудга келишида ўз ифодасини топган.

Ўрта арларда оид Хоразмнинг Орол бўйи минтақаси Амударё қуйи оқими, Устюрт платосида жойлашган бизгача тўлиқ сақланмаган савдо карвон йўллари инфратузилмаси объектларидан мудофаа гарнизон қалъалар, жамоат бинолари, мудофаа маёқ миноралари, ов иншоотлари (аранлар), гидротехник иншоотлар сингари объектлардан ташкил топганлиги ва уларнинг 5 типи мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Карвон йўлларида биноларнинг вужудга келиши”** деб номланган иккинчи бобида қуйи Амударё минтақаси, Устюртнинг жанубий-ғарбидаги карвон йўлида жойлашган карвонсаройлар типологияси, Устюрт шарқий чинқи, мудофаа иншоотларининг меъморчиликдаги анъаналари ва типологияси таҳлил қилинган.

Қуйи Амударё минтақаси карвон йўллариининг илк кўриниши қадимдан шаклланган бўлиб, улар кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келган. Қуйи Орол бўйи минтақасидаги илк йўллар хақидаги маълумотлар Макдусий томонидан келтирилган бўлиб, улар воҳа ичидаги дарёнинг ўнг қирғоғидаги иккинчи ва учинчи йўллар сифтида таҳлил қилинган.

Қадим ва ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатлари Шарқий Европа ва Волга бўйлари билан савдо карвон йўллари Устюрт орқали боғланган. Бу карвон йўллари иккита бўлиб, улардан бири Кўҳна Урганчдан ғарбга йўналган. Йўл Устюртнинг Қасқажол кўтарилиш жойидан тепага кўтарилиб, Борсакелмас шўрли ерларининг жанубидан ўтиб, Манғишлоқ ярим оролигача етган, у ердан Каспий денгизига етиб сув орқали кемаларда қуйи Волгагача борилган.

Устюртдан бошлаб Волга бўйи оралиғида ҳар 30-40 км (бир кунлик карвон йўли) ораликда жойлашган ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудига кириш қисмидаги карвонсаройлар тадқиқ қилинган. Яъни ҳозирги чегарагача бўлган масофа Қозоғистон ҳудудидаги Куйше ва Кўптам номли карвонсаройларгача бўлган оралик ўрганилган. Уларнинг тарҳи тўртбурчак кўрғон шаклида қурилган. Асосий қурилиш материаллари сифатида Устюртдан чиқадиган чиганоқ тошлардан фойдаланилган. Устюртдаги карвонсаройлар Қосбулоқ, Кўптом, Чурук, Беловли, Ажигелди, Учқудуқ топономик атамага эга¹⁰.

Археологик маълумотларга қараганда, IX-X асрларда сахро кўчманчиларидан воҳа чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилган. Устюрт қирининг ҳамма баландликларида қалъалар бўлган. Уларнинг олдида хабар берувчи тепаликларда динглар, яъни маёқ миноралар бўлиб, улар тошлардан терилган. Улар шундай қилиб қурилганки хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин хавф ёки карвон яқинлашаётганда олов ёки тутун билан хабар бериш мумкин бўлган. Сигнал берилгач бир соат ичида ҳар қандай

¹⁰ Археология Приаралье. Том 1. Стр. 93.

шароитда ҳам чегарадаги ҳамма гарнизонлар кўзгалган. Гарнизонлар Орол денгизидан Сарикамишгача бўлган барча қалъаларда бўлган.

Устюртнинг шарқий чекка конфигурацияси бўйлаб қуйидаги: Қўрғонча, Ажибай, Урга, Қияжол-1, 2, Қараумбет, Шибинди, Пулжай, Саксаулсай, Катта Айбуйир (Жампик қалъа), Кичик Айбуйир (Баққал қалъа), Куланли, Айота, Шемаха қалъа, Девкескен, Хантерсек (Ербурин) каби топономик атамаларга эга мудрофаа горнизонлари мавжудлиги аниқланди. Уларнинг умумий жиҳатларини шарҳлайдиган бўлсак, меъморий ечимларида ўзаро ҳар хил хусусиятларга эга бўлган. Уларнинг бир қисми лой пахсадан ва айримлари тошлардан барпо қилинган.

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида йўл бўйи бинолар кўпроқ бадийлаштирилган бўлса, Орол бўйи Хоразм мудрофаа қўрғонларининг тарзи композиция жиҳатидан кўпроқ мудрофаа элементларини ўзида мужассамлантирганлиги билан фарқланади. Яшаш ҳужралари ташқи девор бўйлаб жойлаштирилган, обиданинг ўрта қисмида марказий ҳовли ёки йўлак ташкил қилиш имконияти яратилган.

Мазкур XII-XIII асрларга оид қалъаларнинг хоналари бир том остида жамланганлиги бу типдаги қалъаларнинг дастлаб VII-VIII асрларга оид Хоразм мудрофаа меъморчилик мактаби аънаналарига амал қилиб қурилганлигидан далолат беради. Устюртдаги қалъаларнинг меъморий-режавий ечимларини таҳлил ва таққослашлар натижасида уларнинг XII-XIII асрларга оид Хоразм аънаналарига тегишли эканлиги аниқланди.

Тадқиқотлар қалъаларнинг Устюрт тепалиги саҳросида оз бўлганлиги, Манғишлоқда ва айниқса, Устюртнинг шарқий ва жанубий-шарқида кўп қурилганлиги аниқланди. Бунга Устюртнинг шарқий конфигурациясида Орол денгизи ва дарё сувлари яқинлиги ва экин зоналари мавжудлиги ва Хоразм воҳаси паст текислиги борлиги, шунингдек, Устюрт платоси чеккаси бўйлаб ҳаракатланаётган савдо қарвонларини узоқдан, яъни 30-40 километрдан кузатиш имкони бўлганлиги ҳам сабаб бўлган.

Диссертациянинг **“Мудрофаа ва ов иншоотлари меъморчилик аънаналари”** деб номланган учинчи бобида ўрта асрларда Орол бўйи Амударё қуйи оқида йўл бўйи иншоотлари мудрофаа маёқлар сифатида минтақадаги алоқа-коммуникация тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилиб келганлиги, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қадимги йўллар фаолиятига мос равишда ривожланиб борганлиги тадқиқ этилган. Тарихий манбалар таҳлилидан келиб чиқсак, Орол бўйлари қуйи Амударё йўл бўйи иншоотлари илк алоқа йўллари тармоқлари қадимги даврдаёқ барпо этила бошлаган.

Хоразм воҳаси Устюрт платоси орқали қарвон йўлларида уловлардан отлик ёки туялар ва илк транспорт воситаларидан аравалар, сувда сузувчи ёғоч қурилмалар, кемалардан фойдалана бошлаган. Минтақавий ва минтақалараро алоқалар вужудга келган қадимги даврлардан бошлаб йўлбўйи иншоотлари алоқа йўллари тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этган. Бунга яна бир мисол Орол бўйи яқинида йўл бўйи иншоотлари туркумига кирувчи тўртта иншоотлар топилган ва уларнинг маёқ минора

эканлиги аниқланган. Улардан биттаси Қрантау тепалигида жойлашган, қолганлари ҳам тепаликларда жойлашган. Қурувчилар иншоотларини иложи борича кўзга кўринадиган масофаларда бунёд қилишган. Уларни барпо қилишда қурилиш материаллари ичида Хоразм сопол буюмлари топилган. Улар Қушхона ва Порлитау минораларида бўлган. Иккала маёқ минора IX-XI асрларга оид деб аниқланган. Қолган иккита минора Тўққалъа ва Қрантау даврлари аниқланмаган. Миноралар археологик типларига кўра Орол бўйи минтақаларида, яъни Жанубий ва Ғарбий Орол бўйларида жойлашган.

Бу тўртта минораларнинг географик жойлашуви характерларига кўра улар қолган бошқа миноралар билан узвий боғлиқ бўлган, деб айтишимиз мумкин. Масалан, уларнинг жойлашув чизиғи кузатилса, ўрта асрлардаги Катдан Кердер шахригача, шимолда (Айвон қалъа) археологик объектигача чўзилганлигини кўриш мумкин. Бу йўналишларга Султон бобо, Хўжакўл, Қуёнчик, Чилпик, Назархан, Қушхона, Тўққалъа, Қрантау ва Порлитау мудофаа маёқ миноралари киради. Чилпикни ҳам бу тизимдаги маёқ мудофаа миноралар сафига киритиш мумкин¹¹. Бунга Амударё бўйида ҳамда Қуёнчик ва Назархан миноралари ўртасида Чилпик тепалигидан бошқа миноралар учрамаганлиги асос бўлиши мумкин. У табиий тепалик устига лой пахсадан бунёд қилинган. Ўрта асрларда ундан маёқ минораси сифатида фойдаланган.

Бундай маёқ минораларнинг айримлари ҳозирги кунга қадар қисман яхши сақланган бўлиб, улар асосан Орол денгизи қирғоғи Устюрт платоси чеккасида олинган чиғаноқ тош плиталардан қурилган. Орол бўйи минтақаси худудидаги Эрондан Туркманистон орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг “Сарикамиш” кўли ёнидаги “Декча”дан то Орол денгизи қирғоғида жойлашган “Кўрғонча”гача бўлган масофада жами 25 та маёқ миноралари мавжудлиги аниқлаган. Уларнинг ҳар қайсисининг оралиқ масофалари ўртача 20, 30, 40 км ни ташкил қилиб, жами 300 км масофани қамраб олган. Жанубий Султон Увайс тоғ тизмалари томонидан Амударё бўйлаб эса меъморий композиция жиҳатдан баъзилари квадрат, конус шаклига монанд, тепа қисми нисбатан қисқарган 9 та маёқ миноралар мавжудлиги аниқланган.

Устюрт минораларининг меъморий таҳлили бўйича айтадиган бўлсак, уларнинг аксарияти тарҳда айлана, тўғри тўртбурчак тузилишда, композиция жиҳатидан конус ёки пирамида шаклларида эга. Айлана, конус шаклдаги миноралар қаторига Томарқабла, Айбуйир миноралари киради. Мудофаа маёқ миноралардан 5 таси камерали, яъни тутун ёки оловда қарвонларга ва худуд аҳолисига хабар бериш миноралари ҳисобланган. Барча миноралар Устюртнинг негизини ташкил этувчи чиғаноқ тош плиталардан, шунингдек Хоразмнинг анъанавий хом ва пишиқ ғишларидан бунёд қилинган. Аҳоли пунктлари билан боғлиқ ёки уларга яқин жойда қурилган 16 та минора мавжудлиги аниқланган.

Кўпчилик миноралар IX-XI асрларга оид деб топилган. Уларнинг шакли квадрат пойдевордаги томонлари ҳажмига мос ҳолда юқорига қисқариб боровчи пирамидага монанд композицияга эга. Айримлари катта

¹¹ Манылов Ю.П. Сигнальные башни Султан уиздага. В КК ФАН Уз ССР, №3. 1965.

ҳажмдаги ишлов берилган чиганоқтош плиталардан ва Хоразм анъанавий пишиқ ёки хом ғиштлардан терилган.

Миноралардан Саксавулсой, Шибинди, Қияжол, Судочье, Қизилқайир, Қустау, Қўрғонча миноралари XII-XIII асрларга оид деб топилган. Юқоридаги минораларнинг олдинги миноралардан фарқи чиганоқ тош плита, пишиқ, хом ғиштлардан қурилганлигидир. Ёдгорликлар қурилишида қўлланилган ҳар хил ҳажмдаги пишиқ ва хом ғиштлар IX-XI асрларга ҳамда XII-XIV асрларга тўғри келади.

Устюрт ов иншоотлари. Устюрт ўзига хос қатъий мавсумий иқлим шароити билан турли ёввойи ўсимликлар, ҳайвонот олами учун озуқа ресурсларига бой яйловлардан иборат диёр ҳисобланади. Чунки Устюрт, мавсумий ёввойи ҳайвонларнинг оқимини қабул қилиш шарт шароитига эга бўлган. Устюртнинг иқлим шароити ҳамда Орол бўйи халқларнинг қадимдан ҳаёт кечиришининг асоси овчилик, балиқчилик, деҳқончилик билан боғлиқ бўлганлигига минтақадан топилган маданий қатламлардаги археологик ашёлар гувоҳлик беради.

Орол бўйи қуйи Амударё минтақасига оид адабиётлар, ўрта асрларга оид ёдгорликлар пойдеворларини тадқиқ қилиш давомида ўзгача археологик феномен, яъни “ёйсимон шаклдаги тузилмалар”¹² деган атама эътиборни жалб қилади. Бунда археолог олимларнинг кўп йиллик амалий ва назарий меҳнатлари маҳсули, ёдгорликлар ва ундан топилган ҳайвон суяклари, сопол идишлар, ўқ ёйлари сингари ашёвий далиллар, қурилиш элементлари излари, унинг ўзгача ажойиб ов механизми деган фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Ҳозирда археолог олимларнинг олдига Устюртнинг оғир иқлим шароитида инсониятнинг қадим ижтимоий, иқтисодий турмуш ҳаётининг бир бўлагидан сўзловчи ёки келиб чиқишидан тортиб, қандай мақсадларда фаолият юритганлиги ҳақидаги кенг маълумотларни ўрганиш вазибалари қўйилган.

Илмий тилда номланаётган “ёйсимон шаклдаги тузилмалар” ҳақидаги илк маълумотлар қадимдан маҳаллий халқларнинг, яъни Орол бўйи халқларининг “Аран” деб аташидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Орол дельтасида этник келиб чиқиши “Аранчи” деб аталган уруғлар фаолияти билан боғлиқ топонимлар мавжуд.

Қорақалпоқ этнографияси фольклорида “Аран” деган сўз ишлатилиб, яъни оғзи очиқ баҳайбат ютадиган маҳлуқ гавдаланиб, худди “Аран”дай деган маънода келади. Масалан, “Ер Зийуар” ва “Қирққиз” қорақалпоқ дostonларида (Арандай аузын ашады) “Оғзини Арандай очади” деган иборалар мавжуд. Бердахнинг “Шежире” асарида Аран ер текислигидан чуқур қазилиб қуриладиган, жайронларни овлаш иншооти сифатида ёритилган. Архарларни ёй ва найза билан овлаш жараёни тасвирланган лавҳалар қозоқ халқининг адай уруғларига мансуб деб топилган тошлардаги петроглифлар Устюрт ва Манғишлоқда учраган. Устюртда бундай ов иншоотларининг кўплаб турлари топилган. Олимлар чет элдан топилган бундай иншоотларнинг қурилиш элементлари ов функцияларига тегишли деб

¹² Стреловидные панировки Устюрта. Археология Приаралье, V-выпуск. Ташкент: 1991 г. Стр.3.

топиб, уларни бир-бири билан солиштирган. Бу эса Устюртдаги бундай баҳайбат иншоотларни ёввойи кўш туёқли ҳайвонлар подаларини қувиб тутиш учун хизмат қилганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ов иншоотлари қуйидаги ҳудудий гуруҳларга бўлиниши аниқланди: Шимолий устюрт ўқ ёйсимон шаклли ов иншоотлари; алоҳида жойларда жойлашган Айбуйир ва Бердиниёз-3, Казган ва Сарикамиш кўли бўйидаги гуруҳ; Жарин қудук гуруҳи; Кендирлисор гуруҳи; Бейнеу гуруҳи. Шу тариха ёйсимон шаклдаги ов иншоотлари Устюртнинг шарқий чинқида Шимолий Устюрт ва Айбуйир-Сарикамиш гуруҳи, ғарбий чинқида Кендирди ва Бену гуруҳи; платонинг ички ҳудудларида эса Жарин қудук гуруҳлари сифатида белгиланган. Ов иншоотлари ҳисобланган аранлар типологияси ва ҳозирги вақтдаги мавжуд материаллардан фойдаланиб ёйсимон ов иншоотлари тўртта турга ажратилди:

1-тур - уч тўсиқли. Катта парабола шаклдаги деворлари билан тўсилган, ичкарига йўналтирилган кириш ва иккита кичик учбурчак тўсиқли (ёй ўқи кўринишида) шаклга эга. Кириш жойларида худди “мўйловга” монанд қисми овланаётган ҳайвонни халқа хандакчаларига “йўналтириш” вазифасини бажарган.

2-тур - икки тўсиқли. Ов иншооти тарҳи катта тўсиқли, учбурчак шаклда, бир томонидан устюрт чинқидан фойдаланилган ва кичик тўсиқли учбурчак ёй шаклида.

3-тур - битта тўсиқли бўлиб, табиий рельефдан фойдаланилган девор, унга кириш деворнинг ён томонларидан, яъни Устюрт чинқилари томонидан қолдирилган.

4-тур - бетартиб жойлашган комбинацияли тўсиқлардан иборат. Деворлари оҳақ тош плиталаридан терилган, ёпиқ халқали.

Хулоса қилиб айтганда, ов иншоотлари типологияси қурилиш давр ва ҳудудига қараб турлича тарзда шаклланган.

ХУЛОСА

“Ўрта асрларда Хоразм меъморчилиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари (қуйи Амударё минтақаси мисолида)” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сув узоқлашган сайин маконлар ҳам сув бор жойга кўчирилгани илк ўрта асрлардаги Қувончёрма дельтасидаги Қуюқ қалъаси, Боғдод, Қирк йигит, Қўрғонча мудофаа гарнизонлари мисолида аниқланди.

2. IX-X асрларда дарёнинг жанубга кўчиши натижасида Миздақхон, Девкескан, Кўҳна Урганч ва бошқа кичик қалъалар ҳамда йирик савдо маданий қалъалари пайдо бўлганлиги исботланди.

3. Йўл бўйи мудофаа гарнизонлари ва аҳоли пунктлари вужудга келган. Амударё сувлари гоҳ Хоразм пасттекислигининг шимолий қисмидаги Орол денгизига (номи Жайхундарё бўлиб, Қувончёрма дельтаси вужудга келган), гоҳ ғарбий қисмдаги Сарикамиш кўли орқали Каспий денгизига (номи Ўзбой

дарёси бўлиб, Сарикамиш дельтасини ташкил қилган), гоҳо эса бир вақтнинг ўзида ҳар икки денгизга қуйилганлиги аниқланди.

4. Мил. авв. IV-III минг йилликларда, Ўрта Осиёнинг кўпгина худудларига урбанизацион жараён кириб келганлиги, жумладан, Хоразм давлатининг кучайиши, қўшни ва бошқа мамлакатлар билан савдо-маданий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги, карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйи Амударё минтақасида ўзига хос йўл бўйи мудофаа гарнизонлари ёки қалъалар қурилганлиги аниқланди.

5. Илк, ўрта ва сўнгги ўрта асрларда Амударё бўйлаб савдо йўллари шаклланган ва унинг негизида вақтинчалик тўхташ жойлари чайла, қора уй, ўтовлар пайдо бўлган. Шунингдек, лой пахсали ёки тошли мудофаа гарнизонлари вужудга келган, улар турли табиат ёки сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган.

6. Орол бўйи қуйи Амударё минтақаси Устюрт платосининг кенг ерларида узоқ даврларни ўз ичига олган турли меъморий ёдгорликлар типологияси ўзаро занжирли тизимда тараққий этиб борганлиги аниқланди.

7. Ўрганилаётган худудда жойлашган меъморий ёдгорликларнинг кўпчилиги деярли қаровсизликдан, асрлар давомида Орол табиати иқлим шароитининг кескин ёмонлашуви ва қор-ёмғирлар таъсиридан бузилган. Ҳозирда уларни консервация қилиш, сақлаш ва таъмирлаш ишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу объектларни илмий тадқиқ қилиш, улардан туризм соҳаси учун самарали фойдаланиш тавсия этилади.

8. Хоразм давлатининг ривожланиши ва Орол бўйи халқларнинг турмуш тарзи яхшиланишига савдо йўлларининг шаклланиши ҳамда карвонсарой ва мудофаа минораларининг бунёд этилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Бунга Устюртнинг Қосбулоқ, Кўптом, Чурук, Беловли, Қосбулоқ, Ажикелди, Учқудуқ каби топономик атамаларга эга карвонсаройлар қолдиқлари далил бўла олади.

9. Хоразм воҳасида Амударё қуйи оқими минтақаларида мудофаа гарнизон ва қалъалари турли даврлардаги топономик атамаларда ўзгариб борганлиги ҳамда уларнинг аксарияти Устюртнинг шарқий чеккаси конфигурацияси бўйлаб жойлашганлиги ва қуйидаги Қўрғонча, Ажибай, Урга, Қияжол-1, 2, Қараумбет, Шибинди, Пулжай, Саксаулсай, Катта Айбуйир (Жампиқ қалъа), кичик Айбуйир (Баққал қалъа), Куланли, Айота, Шемаха қалъа, Девкескен, Хантерсек (Ербурин) каби топономик атамаларга эга мудофаа гарнизонлари мисолларида аниқланди.

10. Ўрта асрларда Орол бўйи Амударё қуйи оқимида мудофаа маёқ йўл бўйи иншоотлари минтақадаги алоқа-коммуникация тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилган. Минтақада анъанавий йўл бўйи инфраструктураси карвон ҳаракати, унинг эҳтиёжлари ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ иншоотлар Устюрт савдо карвон йўлларида барпо қилинган миноралар тимсолида ўз ифодасини топган.

11. Илмий тилда номланаётган “Ёйсимон шаклдаги тузилмалар” ҳақидаги илк маълумотлар қадимдан маҳаллий халқларнинг “Аран” деб аталган ов объектлари мисолида ўрганилди. Улар маҳаллий аҳоли ва Хоразм

шоҳларнинг ташқи давлатларга гўшт ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш мақсадларида фойдаланилганлиги аниқланди. Ушбу иншоотлари қуйидаги ҳудудий гуруҳларга яъний Устюртнинг шарқий чинқида жойлашган Шимолий Устюрт, Айбуйир ва Бердиниёз 3, Казган-Сариқамиш кўл бўйи гуруҳи, Устюртнинг ғарбий чинқида жойлашган Кендирди ва Бену гуруҳи, Устюрт платосининг ички ҳудудларида жойлашган Жарин қудуқ каби гуруҳларга бўлиб тадқиқ этилиш таклиф этилди.

12. Устюртнинг ов иншоотлари аниқ симметрик қонуниятлар асосида барпо этилганлиги аниқланди. Инсон эътиборини ўзига жалб этувчи бундай тарихий иншоотларни қуш парвозидан тамоша қилиш мақсадида авия туризмни ташкил этиш таклиф этилди.

13. Орол бўйи минтақасида ички 3 та қарвон йўли ўрганилиб, жами 1000 км масофадаги йўл инфра структураси тадқиқ этилди. Унинг Буюк Ипак йўлига алоқадор 15 та қалъа гарнизонлари, 32 та маёқ миноралари, 7 та қарвонсаройлари ҳамда 4 та типдаги ов иншоотлари типлари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.A.11.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

МАШАРИПОВ ОЙБЕК АБДУРАХИМОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ АРХИТЕКТУРНЫХ ТРАДИЦИЙ
ХОРЕЗМА В СРЕДНИЕ ВЕКА
(На примере низовьев Амударьи)**

**18.00.01– Теория и история архитектуры.
Реставрация архитектурных памятников**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО АРХИТЕКТУРЕ**

Ташкент–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по архитектуре зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан на В2018.3.PhD/A25.

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском английском (резюме) размещен на веб странице по адресу: ([http://www.taqi.uz/interaktiv – xizmatlar / taqi – ilmiy – faoliyati / ixtisoslashgan –kengashlar / avtoref /.html](http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref/.html)) и на Информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Назилов Додо Авазович
доктор архитектуры, профессор

Официальные оппоненты:

Уралов Ахтам Синдарович
доктор архитектуры, профессор

Ходжаниязов Гайратдин
кандидат истории, профессор,
«Узбекистон кахрамони»

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет кафедры "Промышленный дизайн"

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.A.11.02 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес:100011, город Ташкент, улица А.Кодирий, дом 7 В. Зал заседаний факультета архитектуры. Тел .: (99871) 237-11-37; факс: (99871) 241-13-90. Web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертацию можно найти в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №__). Адрес: 100011, город Ташкент, улица маленькая кольцевая дорога, дом 7. Тел .: +99871 234-60-16.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки от №__ «__» _____ 2020 года).

Т.Ш. Маматмусаев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, в.и.о., д.арх.

О.М. Салимов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, в.и.о. д.арх., профессор

Т.А. Хидоятов

Председатель Научного семинара при Ученом совете по присуждению ученых степеней, д.арх., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Примечательно, что сегодня 779 из 1007 объектов, включенных в список объектов всемирного наследия в 413 древних городах по инициативе ЮНЕСКО в области эффективного сохранения и использования исторических и архитектурных памятников мира, являются памятниками архитектуры.¹³ Регулярное принятие ООН, ЮНЕСКО, ICOMOS и другими авторитетными организациями международных документов таких как: Конвенция по защите Всемирного культурного и природного наследия (1972); международная хартия по защите исторических городов (Вашингтонская Хартия 1987); Основные принципы оформления памятников, группировка зданий и достопримечательностей (1996); Основные правила по анализу, консервации и реконструкции структуры архитектурного наследия (2003), демонстрирует важность этой области и направлены на сохранение культурного наследия и их передачу последующему поколению.

Во всем мире, важна роль научных исследований, направленных на сохранение исторических памятников, гармонизации исторических и современных зданий, определение охраняемых территорий памятников, создание туристических маршрутов, улучшение инфраструктуры инженерных сетей и т. д. Одной из актуальных задач данных исследований является обеспечение сохранности средневековых памятников, изучение процессов их формирования и развития с древнейших времен, уточнение историко-планировочной структуры памятников и выявление их влияния на современную архитектуру, расширение туристических возможностей исторических районов, что составляет основу эффективного использования культурного наследия.

С первых лет независимости охрана объектов культурного наследия поднялась до уровня государственной политики. В настоящее время в нашей республике 2079 из 7476 памятников являются архитектурными, 4308 археологическими памятниками, 1089 монументальными памятниками и достопримечательностями, многие из которых находятся под защитой государства.

За годы независимости, в связи с юбилеями таких древних городов, как Самарканд, Бухара, Хива, Термез, Карши, Шахрисабз, Ташкент и Маргилан, были отремонтированы многие архитектурные памятники, а их окрестности обустроены. «Объекты культурного наследия являются бесценным достоянием людей, мы обязаны их сохранить и передать их будущим поколениям».¹⁴ В связи с этим развитие туризма и увеличение потока туристов в Приаралье и низовьях Амударьи поднялись до уровня государственной политики.

